

Куч-адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил

2021 йил
9 апрел,
жума
№ 13 (838)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ҚУЙИ ПОҒОНАДАГИ РАҲБАРЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЎЗГАРТИРИБ, ТАДБИРКОР БИЛАН ДЎСТ БЎЛИБ ИШЛАМАСА, НАТИЖА БЎЛМАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 8 апрель куни ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, ўтган йили кичик бизнес субъектларига жами 120 триллион сўмлик кредит ва молиявий ёрдамлар ажратилди. Натижада, пандемиядан зарар кўрган 104

мингдан ортқ корхона фаолияти тикланиб, хусусий корхоналар пул айланиши ўтган йилга нисбатан 33 фоизга ўсди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 27 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил топган. Тадбиркорлик учун ажратилган кредитлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13 фоизга ўсган.

Йиғилишда айрим ҳудуд ва сектор раҳбарлари яратилган бу имкониятлардан ҳалигача тўлиқ фойдалана олмаётгани кайд этилди.

— Жуда оғир йилларда яшаймиз. Ҳар куни излашни, интилишни ва пировард мақсадга ишлаш керак.

Тадбиркорни қўллаб-қувватламасак, уларга шароит яратмасак, тадбиркорларни кўпайтирмасак, шаҳар ва туманларда маҳаллий бюджет кўпаймайди-ку. Биз қанчалик кўп маблағ бермайлик, фармон-қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, қуйи поғонадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириб, тадбиркор билан дўст бўлиб ишламаса, натижа бўлмайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ҳокимлар ва сектор раҳбарларига ўз ҳудудда тадбиркорликнинг аҳоли кўрсатиб ўтилди.

Мутасаддилардан қайси ҳудудда қайси тадбиркорлик йўналишлари ривожлантирилиб, нечта янги лойиҳа амалга оширилиши, қанча иш ўрни яратилиб, қанча аҳоли иш билан таъминланиши бўйича сўров бўлди.

Айтиб ўтилганидек, ривожланишдан ортда қолган 33 та тумандан 28 тасида кескин ўзгариш бўлган. Бу туманларда 2 мингта янги лойиҳа бажарилиб, 25 мингта янги иш ўрни яратилган.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига шу тажриба асосида, ҳар бир маҳалланинг ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш, маҳаллий кенгашларда тасдиқлаш, ижросини ташкил

этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тадбиркорлик учун ер ва бинолар ажратиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли бандлигини таъминлаш учун уларга ўзи яшайдиган маҳаллада шароит яратиш бериш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, маҳалла идоралари биносида тадбиркорлик лойиҳаларини ишга тушириш ёки хусусий шериклик асосида бино қилиб, биргаликда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, замонавий конструкциялардан кўчма шохобчалар қуриш ҳам қулай ва арзон.

(Давоми 2-бетда) ▶

9 апрел — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

Буюк жаҳонгирнинг ҳарбий бошқаруви

Амир Темур шахси нафақат миллатимиз, балки умуминсоният аҳамиятига молик истеъдоди ва инсоний фазилатлари тўғрисида боқий саналади. Ул зотнинг ўз муҳрига ёздириган ва бутун ҳаёти давомида амал қилган "Рости-расти", яъни "Нажот ростликдагир" ("Куч — адолатдагир") деган эътиқоди бутун инсоният учун доимо ҳаётий мезон бўлиб хизмат қилади. Буюк бунёдкор, маданият ва илм-фан ҳомийси, энгилмас саркарда, адолат байроқдори Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари инсониятнинг даҳо фарзандларидан бири ҳисобланади.

Амир Темур ва Темурийлар қолдирган бетакор маънавий мерос бугунга келиб инсониятнинг умумий бойлигига айланди. Айниқса, Амир Темурдек даҳо маҳорати олдида бош эгиб, унинг ҳарбий санъати, яъни стратегияси ва тактикасидан ҳақли равишда мағрурланамиз. Ҳарбий санъат унга буюк саркарда шухратини келтирди. Унинг жанглари жаҳоннинг кўпгина ҳарбий академияларида ўрганилди ва ўрганилмоқда.

Ҳарбий қурилиш борасида замондошларидан ўзиб кетган Амир Темур ўз даврида армияни яратиб ва такомиллаштириш борасида мукамал тизимни ишлаб чиқиб, уни моҳирлик билан амалга оширган.

Соҳибқирон давридагидек мукамал ҳарбий тузилма тўғрисидаги маълумотлар тарих мул-

кида кам учрайди.

Унинг салтанатида қўшин тузилиши, лавозимларга тайинлаш ва унвонлар бериш, моддий таъминот, курол-яроғ тутиш тартиби, маош ва рағбатлантириш тузуқлари, ҳатто муносиб нафақа тайинлаш тизимигача тартиботлар ишлаб чиқилган ва амал қилган. Бу ҳарбий тизим нафақат юртимиз, балки дунёнинг қўллаб-қувватлаш бугунга қадар андоза, асос ва пойдевор сифатида ўрганиб келинаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Соҳибқироннинг жанггоҳларни танлаш санъати, уруш усуллари ва тактикаси, лашкар тутиш ва сипоҳийларни сафлаш қоидаси "Темур тузуқлари" китобида батафсил ёритилган.

(Давоми 2-бетда) ▶



Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган инсонпарвар ислохотлар натижасида ноҳақ айбланган кўплаб шахслар оқланмоқда. Бузилган ҳуқуқлари тикланган, эл-юрт олдига юзи ёруғ бўлган юртдошларимиз орасида турли касб эгалари бор.

Оқлов

Қарор топган ҳақиқат

Улардан бири Навбахор тумани прокурори лавозимида ишлаган Фахриддин Бегимовдир. У 2012 йил 29 декабрда пора олишда айбланиб, қамоққа олинган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳўш, туман прокурори нима учун жазоланган?

Гап шундаки, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 14 августдаги ҳукмига биноан унга 12 та ҳолат бўйича айблов эълон қилинган. Жумладан, Ф.Бегимов ноқонуний равишда Навбахор тумани давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош шифокори Ш.Тошевдан туман прокурату-

раси биносини таъмирлаган усталарнинг овқатланиш харажатларини қоплашни талаб қилгани етмагандек, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва раҳнамолик қилиши эвазига уч юз минг сўмини пора тариқасида олган.

Шунингдек, у Навбахор тумани молия бўлими муdiri Ўктам Раҳимовни ҳам пора беришга мажбурлаган. Натижада у 2011 йил ноябрь ойида молия бўлими масъул ходими М.Жумабоев орқали икки юз минг, кейинчалик Л.Йўлдошев орқали беш юз минг сўмини пора тариқасида Ф.Бегимовга берган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун кўмаги

Болалар ҳуқуқи

судда кафолатли ҳимоя қилинди

Маълумки, фарзанд ҳар бир инсон ҳаётининг мазмуни, авлодлар давомчиси ҳамда келажақда ота-онасининг суянчидир. Бола оилада қанчалик меҳр кўрса, ўсиб-улғайгач, ота-оңасини шунчалик эъзозлайди. Тун-кун уларнинг хизматида шай туради.

Аммо ўзининг кўнгил майли ва кайфу сафосини фарзанд тарбиясидан устун қўйган айрим "ота" ёки "она"лар кейинчалик фарзанд меҳрига зор бўлиши шубҳасиз.

Масалан, фарғоналик Матлуба Маматова (исм-шарифлар ўзгартирилган) шундайлар тоифасидан. Гап шундаки, М.Маматова 2 нафар фарзанди — Меҳрибонлик уйда яшаб, тарбияланаётган 14 ёшли Мама-



тов Ҳасанбой Лутфилла ўғли ва Маматова Зухраҳон Лутфилла қизининг онаси саналади. Эгизаклар ёшлигида отасидан айрилган.

Бироқ М.Маматова оналик бахтини ичкилик ва беҳаловат ҳаётга алмаштирган. Ака-сингилни эса, болалик бахтидан мосуво қилган. Аниқроқ айтганда, фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланмагани, уларга етарли шарт-шароитлар яратмагани ту-

файли уларнинг хулқи ўзгариб кетган.

Оқибатда Ҳасанбой ва Зухра назоратсиз қолиб, тиланчилик билан шуғуллангача борган. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2019 йил 9 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан болалар онасидан олиб қўйилиб, Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими қарамоғига берилган.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар натижасида барча соҳалар қатори диний-маърифий ҳаётимизда ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Муқаддас динимизнинг тинчлик, дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик гоғларини, ислом цивилизацияси ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуг аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларни шу руҳда соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида кенг имкониятлар очилмоқда.

Айниқса, юртимиз мўмин-мусулмонлари халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат ва хайру саховат рамзи бўлиб келган муқаддас Рамазон ойини катта шоду хуррамлик ва шукроналик билан кутиб олиб, эзгу амалларни адо этмоқдалар.

Ушбу муборак Рамазон ойининг ҳаётида тинчлик-барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг диний-маънавий кадрларини асраш ва ривожлантириш борасидаги аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда уни ҳар томонлама муносиб ўтказиш мақсадида:

1. 2021 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 13 апрель кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини қарантин қоидаларига риоя қилган ҳолда миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб ҳолда ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойинининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни кадрлаш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарғибот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Масқур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 8 апрель

Қонун моҳияти


Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексини:

интеллектуал мулк ҳуқуқига оид янгиликлар

Аввало шунга қайд этиш керакки, Фуқаролик кодексининг янги таҳрири тайёрлангани мамлакатимиз ҳуқуқ соҳасида жуда катта воқеадир. Чунки дунёнинг истадган мамлакатларида бундай кодекс ижтимоий муносабатларни тартибга солишда асосий ўрин тутаяди ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиш имконини беради.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судларга электрон шаклда мурожаат қилиш тизими (eksud.sud.uz)



Олий суднинг Интерактив хизматлар порталида (my.sud.uz) "Мурожаат" рўқни орқали судларга электрон шаклда мурожаат қилиш имконини берувчи ахборот тизими жойлаштирилган. Масқур ахборот тизимининг имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- жисмоний ва юридик шахслар томонидан судларга мурожаатларни электрон шаклда тақдим этиш имкониятини яратиш;
- электрон шаклда юборилган мурожаатини ахборот тизимида очилган шахсий кабинет орқали онлайн кузатиб бориш;
- суд томонидан чиқарилган, судьянинг электрон рақамли имзоси билан имзоланган суд ҳужжатларини электрон шаклда шахсий кабинет орқали қабул қилиб олиш;
- судлар ва мурожаат қилувчилар ўртасида иш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ маълумот ва ҳужжатлар алмашинувининг тезкорлигини ошириш орқали низоларни ўз вақтида қонуний ҳал қилинишини таъминлаш;
- мурожаат қилувчининг суд биносига келиб мурожаатини топшириш учун кетадиган вақти ва харажатини қисқартириш.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ҚУЙИ ПОҒОНАДАГИ РАҲБАРЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЎЗГАРТИРИБ, ТАДБИРКОР БИЛАН ДЎСТ БЎЛИБ ИШЛАМАСА, НАТИЖА БЎЛМАЙДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мутасадди ташкилотларга энгил конструкцияли савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, уларни аукцион орқали жойлаштириш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Чекка худудларда жойлашган ер участкаларининг бошланғич нархини 50 фоизгача чегирма билан сотувга қўйиш ваколатини маҳаллий кенгашларга бериш таклифи билдирилди. Бундан ташқари унумдорлиги паст бўлган ва фойдаланилмаётган кишлоқ хўжалиги ерларида ҳам кичик санаот зоналари ташкил этиш мумкинлиги айтилди.

Бизнес барқарорлиги учун инфратузилма сув ва ҳаводек зарур. Лекин жойларда бу борада камчиликлар борлиги тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлмоқда. Жумладан, инфратузилмадаги муаммолар туфайли 320 та тадбиркор сўнгги 2 йилда импорт қилган 220 миллион долларлик асбоб-ускуналарини ишга тушира олмаяпти.

Яна бир мисол — электр қуввати паст бўлгани боис, Янгиҳаёт туманидаги 24 та корхонада 2,5 мингта иш ўрни ва экспортдан йилга 25 миллион доллар йўқотилмоқда. Шу боис санаот зоналарини инфратузилма билан таъминлашга жорий йилда 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда. Бунинг эвазига йил якунига қадар 168 та санаот зонаси 468 километр электр энергияси, 362 километр газ, 405 километр сув ва 104 километр йўл билан таъминланади.

Бизнес-омбудсманга жойларга чиқиб, тадбиркорларнинг инфратузилма билан боғлиқ муаммоларини ўрганиб бориш ва уларни ҳал этиш бўйича Бош вазирга таклифлар кириштирилди.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Пандемия даврида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 1 триллион сўм ажратилган эди. Бунинг ҳисобидан 20 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Шу боис Марказий банкка жорий йилда оилавий тадбиркорлик учун ажратилаётган маблағларнинг камида 1 триллион сўмини хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги лойиҳаларга йўналтириш бўйича кўрсатма берилди.

Шунингдек, компенсация бериладиган кредитлар фоизи микдори Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан 1,75 бараваригача оширилиши белгиланди.

Жорий йилда тадбиркорларга айланма маб-

лағлар учун камида 40 триллион сўм кредит, бундан ташқари, Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 1 триллион сўми ҳисобидан экспортёрларга "револьвер" кредитлар ажратиш мумкинлиги айтилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида уч йил давомида солиқларни ўз вақтида тўлаган интизомли тадбиркорларга солиқларнинг 50 фоизини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш тартиби ишлаб чиқилади.

Шунингдек, экспортнинг валютаси чет элдан ўз вақтида келиб тушмагани учун жарима миқдорини 2 бараварга қисқартириш, мажбурий ижро орқали ундириладиган қарздорликни бюджет ва тадбиркорлар фондасига тенг тақсимлаш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат харидлари кичик ва ўрта бизнес учун катта имконият экани, ҳокимлар тадбиркорларни ушбу жараёнга янада фаол жалб қилиб, уларнинг давлат харидларидаги улушини камида 2 бараварга ошириши зарурлиги таъкидланди.

Тадбиркорлик ривожини бандлик масаласи билан боғлиқ. Жорий йилда бандлик дастури асосида 457 мингта доимий янги иш ўрни ташкил этиш мақсад қилинган.

Хусусан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда янги яққа тадбиркорлар фаолиятини ташкил этиш ҳисобига 210 мингта, тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳалари ҳисобига 248 мингта янги иш ўрни очиш мўлжалланган.

Бундан ташқари 40 минг нафар ишсизларга ўзини ўзи банд этиш учун 92 миллиард сўм субсидия ажратилиши белгиланган.

Йиғилишда бу масаланинг долзарблигига яна бир бор аҳамият қаратилиб, мутасаддиларга қатор топшириқлар берилди.

Жорий йил биринчи чорагида 36 триллион сўм бюджет тушуми таъминланиб, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 1,6 триллион сўм қолдирилгани қайд этилди. Бор манбаларни кенгайтириш ва қўшимча захираларни таҳлил қилиб, бундан буён ҳам тушумларни кафолатли таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Фаолиятида сусткашликка йўл қўйган, тадбиркорлар билан ишлашга етарлича эътибор бермаган ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ва нисбатан интизомий чоралар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа ва худудлар раҳбарлари ахборот берди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Амир Темури қўшини ўнлик, юзлик, минглик (ҳазора), ўн минглик (туман)ларга бўлинган эди. 50-1000 тагача бўлган аскарлар "қўшин", ундан кўпроқлари "қўл" деб, қўшин бошлиқлари "сардор", "амир" деб аталган. Буюк саркарда қўшинни етти қўлга ажратган, ўнг ва чап қўлни захира қўшин билан таъминлаган.

Соҳибқироннинг жанговар фаолиятида ақлбодар қилмас жасоратли саҳифалар жуда кўп. Масалан, ўша даврнинг машҳур тарихнависи Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" асариде ёзишча, 1366 йили Қаршида 30 ёшли Темурибор-йўғи 243 нафар аскар билан 5 минг кишилик душманга қарши жанг қилган ҳамда сипоҳийлар ҳаракати, саркардалик салоҳияти ва мислсиз жасорати туфайли галабага эришган.

1368 йилда Бадахшонда қўли банд келган душман Соҳибқирон аскарларининг қўлини қириб ташлаган ва 130 нафарини асир олган. Ёнида бор-йўғи 13 нафар навар билан қолган Амир Темури Добон тоғи тепасига чиқиб, душман йўлини мардларча тўсган. Бекиёс маҳорат ва жасоратлар эвазига ўз аскарларини душман қангаларидан озод этиб, қутқариб қолган. Кейинчалик Соҳибқирон ўша жангни эслаб, "Кўп жанглар қилдим ва кўп воқеаларни бошдан кечирдим-у, аммо бу жангдан қаттигини кўрмадим..." деган экан.

Амир Темури қўшин таркибини тузиб, тартиб билан ўринларини ҳамда вазифаларини белгиланган. Жумладан, "Зафарнома" асариде қўшин таркибини 7 асосий қисмга бўлиш ва улар ўрнини белгиллаб бериш, тартиб билан жойлаштириш Амир Темури томонидан жорий этилгани тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд.

Қўшин турида пиёда аскарлар ва отлик суворийлар билан биргаликда махсус қуролларни ишга солидиган гуруҳлар ҳам бўлган. Масалан, рандандоз, нафандоз — ёндрувчи ўтотар қуроллар; сангандоз — тош отадиган қуроллар; манжаник — қалъа деворларини бузувчи қуроллар ва ўзиотар қуроллар билан қуролланган жангчилар гуруҳи ҳам мавжуд бўлган. Душманга қўққисдан зарба бериш мақсадида аскарлар беркинадиган махсус пистирма ва пана жой — аргадалларни ташкил этган.

Амир Темури ўзининг тўсатдан берадиган зарбалари билан машҳур бўлган. Душман қўшинининг сони маълум бўлганидан кейин унинг армияси тун қоронғисиде душман лагерига яширинча яқинлашиб, тонгда ҳужумга ўтган. Унинг қўшини қаттиқ интизоми, юқори ҳаракатчанлиги, чидамлилиги ва жангларда жасорати билан ажралиб турган.

Амир Темури қўшинининг асосини кўчманчи қабилалар ташкил этиб, улар отликлар ва камончиларни етказиб берган.

9 апрел — Соҳибқирон Амир Темури таваллуд топган кун

Буюк жаҳонгирнинг ҳарбий бошқаруви

Ўтроқ халқ армияга пиёдалар ва ёрдამчи хўжалиқлар учун ишчилар ва шаҳарларни қамал қилиш учун жангчиларни, яъни катапултларни ишлатувчи, таранларни урувчи, ёниб турган камон ўқларни ва нефть аралашмасидан тайёрланган ёнувчи гранаталарни отувчи аскарларни етиштириб берган.

Армияда энгил пиёдалар ҳам бўлиб, улар сафарда отларда ҳаракатланган, жанг олиб боришда эса камондан нишонни бехато уриш учун арабларга ўхшаб отлардан тушиб, пиёда ҳолда жанг қилган. Пиёда жангчи қилиб, 30 та ўққа эга бўлган камон билан қуролланган. Энгил пиёдалар баланд-пастликларда ҳаракатланиш ва шаҳарларни қамал қилиш учун қўлланилган. Бундан ташқари, Амир Темури тоғларда ҳаракатланиш учун махсус отрядни (тоғ пиёдаларини) ташкил этган.

Қўшин қатъий ташкилий тизимга ва аниқ сафланиш тартибига эга бўлган. Ҳар бир жангчи ўз ўнлигидаги жойини билиши, ҳар бир ўнлик юзликдаги жойини билиши керак бўлган ва ҳоказо. Ҳарбий бўлинмалар сафларда яхши ҳаракатлана олган ва анжомлари, кийим-бошлари ва байроқларининг ранги билан бир-бирларидан ажралиб турган. Айрим отрядлар отларининг ранги билан ҳам фарқ қилган. Амир Темури даврида ҳарбий юришдан олдин кўриқлар ўтказиш тўғрисидаги қонун оғишмасдан бажарилган.

Буюк аждодимизнинг тарихий хизматлари ҳақида хорижий олимларнинг тадқиқотлари ҳамда ҳолис эътирофини келтириш мароқлидир. 2018 йил Новосибирск давлат университетини мутахассислари жаҳон тарихида илк бор буюк Амир Темурининг 12 нафар энг яхши саркардаси ҳарбий таржимаи ҳолини тиклагани ҳақида маълум қилди. Университет етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Леонид Бобровнинг сўзларига кўра, Амир Темури саркардаларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мум-

кин. Биринчи гуруҳ — "саркарда бўлиш учун туғилганлар", улар ҳақиқатан ҳам, иқтидорли бўлган ва Амир Темури бу иқтидорни кўра билган. Иккинчи гуруҳ — "лавозим бўйича саркардалар". Улар Амир Темури сафдошларининг фарзандлари бўлиб, лашкарбошлик санъати ва лашкарни ота-бобосидан мерос қилиб олган. Учинчи гуруҳ — "саркарда бўлиб туғилганлар", яъни шаҳсон Темурининг қўлида сабоқ олган Темуризодалар.

Амир Темури ўз аскарлари таркибига алоҳида эътибор бериб, уларни замонасининг энг жанговар армиясига айлантиришга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам. Соҳибқирон ҳар бир навардан, айниқса, бошлиқларидан ҳарбий услублар (тактика)ни эгаллаган, зарур бўлган пайтда галаба учун мустақил ҳаракат қила оладиган, жанг майдонида ҳарбий қасамдга содик, наварлик низомига қатъий риоя эта оладиган, душманга аёвсиз, шунингдек, омонлик истаган рақибларга юмшоқ муомалада, адолатли, кечиримли бўла оладиган хусусиятларни талаб этган.

— Биз чоп этилмаган материаллар — археологик топилмалар, бутунлигича сақланиб қолган қурол-аслаҳа ва совуқлар, XIV аср охири — XV аср бошига тааллуқли тенги йўқ тарихий ёзма манбалар устида сўнгги йилларда фаол ишланди. Ушбу манбалар Темури қўлга жанг олиб бориш тактикаларини энг майда деталларигача қайта тиклаш имконини беради. Амир Темури қўлга жанг тактика ва стратегиялар ҳарбий санъатда ҳақиқий олға силжиш бўлган, бу тактикалар кўп жиҳатдан ўз замонидан илгариллаб кетган эди, — дейди Л. Бобров.

Амир Темури ишлаб чиққан энг самарали тактик усуллардан бири — қўшин қанотларини душман ҳужумидан ҳимоя қилувчи суворий ҳарбий бўлинма — кумбул (қанбул)лардан фойдаланиш эди. Бу — Чингизхон давридан бери душманни қанотдан айланиб ўтиб, мах-



этиб келаётган отлик кўчманчиларга қарши самарали курашиш имконини берган.

Олтин Ўрда кўчманчилари Амир Темури билан жангларда унинг кумбулларига жиддий зарар етказмаган. Оқибатда, Амир Темури Олтин Ўрдага халқ қилувчи зарбани бериб, шу билан Русининг мўғул-татар туқунидан қутулишига билвосита таъсир қилган.

Бобровнинг сўзларига кўра, новосибирсклик тарихчилар олти йилдан бери Амир Темури армиясига оид маълумотларни ўрганмоқда, яқин вақт ичида миқёси катта бўлган монографияни чоп этишни мақсад қилган ва бу жаҳон тарихида Амир Темури томонидан асос солинган салтанатнинг армияси ва ҳарбий фаолиятини қамраб олган илк илмий тадқиқот бўлади.

Шунингдек, академик Евгений Тарленинг 1943 йил чоп этилган 17 томли "Наполеон" китобининг 333-бетиде шундай маълумот келтирилади: Бонапарт ўз кавалерияси маршал Мюратга юзланиб, "Кимки, Амир Темури ўз-ўзича жанг қилган деса, катта хато қилади. Жаҳон тарихида илк мунтазам армияни, қулай тактика ва стратегияни Соҳибқирон Амир Темури ишлаб чиққан", дейди.

Бу ҳақда тарихий манбаларда ҳайратомуз маълумотларни ўқиш мумкин. Масалан, Кастилия ва Леон (ҳозирги Испания) қироли Дон Энрике III нинг Соҳибқирон ҳузурига йўллаган элчиси Руй Гонсалес де Клавихонинг ёзишча, қирол уларга Амир Темури ва унинг рақиб Боязиднинг қудратини, бойлигини, бир-бирига қарши қанча аскар ташлаганини ўрганиш ва бўлажақ жангни кузатишни топширган эди. Элчи Соҳибқирон армиясининг аъло даражадаги тузилишини, унинг жанг усулларини, Хиндистон юришидан олиб келинган ўрта аср "танклари" — жанговар филларнинг хусусиятларини таърифлаган. Забт этилган худудларда тартиб-интизомнинг таъминланиши, ҳаётнинг қайта изга туширилиши уни ҳайратга солган.

Тарихий манбаларда яна

шундай маълумотларни ўқишимиз: "1402 йилнинг 28 июлида Анкара шаҳри яқинидаги Чубуқ водийсиде (ҳозирги Эсенбога аэропорти яқинида) Амир Темури билан Усмонли султони Боязид Йилдирим аскарлари омонсиз жангга киришадилар. Турли тарихий манбаларда иккала томондан уришган аскарларнинг умумий сони 400 минг, 600 минг, ҳатто бир миллион нафардан ошдиқроқ эди, деган баҳсли маълумотлар ҳам мавжуд. Эрталаб бошланган шиддатли тўқнашув кечга яқин Соҳибқироннинг галабаси билан яқунланади".

Амир Темурининг саркардалик салоҳияти ҳақида усмонли туркларнинг XX асрдаги буюк вакили Мустафо Камол Отатурк шундай деган эди: "Менимча, жаҳонда ўтган саркардаларнинг энг улуғи Амир Темуридир. У ҳеч қанча бирор урушни кўр-кўрма, фақат ҳарбий омадга ишониб бошламаган. У ҳар бир ҳарбий юришга жиддий, пухта, аниқ ҳисоб-китоб асосида узоқ йиллар давомида ҳозирлик кўрарди. Масалан, у Анкара жангида қозонган галабасини Боязид Йилдирим билан унинг вассаллари ўртасига ихтилоф солиш билан олдиндан таъминланган эди. У галабага ақли билан эришган".

Хуллас, буюк шахслар, хорижий адиблар ва тарихчи олимларнинг тадқиқотларида Соҳибқирон Амир Темурининг буюк саркарда ва дохийлиги ҳақида ҳолис эътирофларини ўқиш мумкин. Миллатимиз тарихида жаҳоншумул улуг сиймолар жуда кўп, аммо ҳеч бир зотга юқоридагидек юксак таъриф берилмаган бўлса керак.

Ўзбек миллати ва Ўзбекистон давлати бор экан, буюк бобомиз Амир Темурининг табарук номи ҳам абадий яшайди. Ўзбекистон шаън-шавкати тимсолига айланган буюк бобомиз сиймоси, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда мумим аҳамият касб этади.

Қахрамон КАМОЛОВ,
Мудофаа sanoati бўйича
давлат қўмитаси раисининг
маслаҳатчиси

ЎЗА

Жиноятга жазо муқаррар!

Бюджет

Бу дунёда ҳалол меҳнат билан топган нонга қаноат қилган, тўғриликни ўзинга одатта айлантирган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Аксинча, қинғирликка қўл уриш салбий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарибгина қолмасдан, балки кишининг обрўини тўқади, эл орасида уятга қолдиради.

Қуйида шу ҳақда.

Амалдаги Бюджет кодексининг 187-моддаси 1-қисми 2-бандига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядлар, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақиға қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмасдан молия йили давомида тўловларни амалга оширилиши бюджет интизомини бузиш ҳисобланади.

Қизилтепа тумани прокуратурасининг 2020 йил 23 мартдаги ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарори, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Навоий вилояти бошқармаси ҳамда Давлат молиявий назорат бошқармасининг тегишли буйруқларига асосан Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмасида 2016 йилнинг 1 декабрдан 2020 йилнинг 1 майга қадар бўлган давр мобайнидаги молия хўжалиқ фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказилди.

Тафтиш жараёнида бирлашма ҳисобчилари Мавлуда Шамсиева (исм-фамилиялар ўзгартирилди), Уткир Аҳмедов, Наби Бердиевнинг "ҳеч ким билмайди, ҳеч ким сезмайди", қабилдаги қинғир ишлари фош бўлди.

Энди воқеа тафсилотиға тўхталадиган бўлса, тиббиёт бирлашмаси иш ҳақи ҳисобчиларидан М.Шамсиевага ўн олти, Ҳ.Аҳмедовга етти ва Н.Бердие-



ра вазифасида ишловчи О.Бойбекова, Ш.Рашидова, Г.Ҳамдамова, Ҳ.Рўзибоева, С.Эрназарова, М.Бобожонова, Ҳ.Тиллаева, Р.Қаландарова, Ҳ.Шарипова ва Э.Муҳаммадиевани ҳузурига алоҳида-алоҳида чақиради. Меҳнат таътили пулини ҳисоблашда адашиб, ортиқча тўлаб юборгани, жойига қайтариб қўймаса бўлмаслигини айтиб, уларни аврайдди. Шу тариқа пулларни нақд ҳолда қайтариб олади ва бирлашма газнасига қирим қилмасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Ана шундай қинғир фаолияти билан М.Шамсиева 20 миллион 648 минг 200 сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растарата қилиш йўли билан қасддан талон-торож этган.

Ҳ.Аҳмедов бюджет интизомини бузишда устози М.Шамсиевадан анча "уддабурон" экан. У бирлашманиннг элики беш нафар, жумладан, С.Жасурова, Ҳ.Муҳсинова, Ш.Мамадиевдова, Ҳ.Бердиқулов, С.Қўчқоров, С.Иброҳимов, Ҳ.Муродуллаев, М.Ражабова ва бошқа ишчи-ҳодимларига 33 миллион 24,5 минг сўм меҳнат таътили пулини ортиқча ҳисоблайди. Сўнгги пуллар банк пластик картасига тушгач, уларнинг айримларидан бирлашма газнасига қирим қилиш баҳонасида пулларни қайтариб олади ва ўз шахсий эҳтиёжига

сарфлайди.

Шу тариқа Ҳ.Аҳмедов бюджет маблағидан 39 миллион 11 минг 500 сўмини ўзлаштирган, растарата қилиш йўли билан қасддан талон-торож этган.

Халқимизнинг "Қовун қовундан ранг олади" деган нақли топиб айтилган. Икки ҳамкасбидан ёш жиҳатдан кичик, бироқ нафс жиловчи анча бўш Н.Бердиев бюджет интизомини бузишда уларни ярим йўлда қолдириб кетган.

У бирлашмада ишловчи О.Равшанбоева, Т.Яхшиликдова, С.Назиржонова, Ю.Фармонқулова, И.Солижонов, Н.Шокирова, С.Эронқулова сингари олти минг етти нафар ишчи-ҳодимга 43 миллион 139,3 минг сўм меҳнат таътили пулини ортиқча ҳисоблаб, банк пластик картасига ўтказиб берган. Ҳ.Аҳмедовнинг ҳамма нарсасдан устун санаган ҳисобчи бу пулни бир қисмининг нақд ҳолда ишчи-ҳодимлардан қайтариб олган ва чўнтағига урган. У шу тариқа 60 миллион 593 минг 200 сўмлик бюджет маблағларини талон-торож қилган.

Ҳужжатли тафтиш чоғида бирлашма ҳисобчилари яна бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйгани ҳам аниқланди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарорига кўра, устам ҳақи фақат тиббиёт ҳодимларига тўланиши керак.

ЎЗА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Кодекснинг янги тахриридаги лойиҳаси Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Кодекс лойиҳаси матнига интеллектуал мулк ҳуқуқига оид бир қатор янги нормалар киритилди. Бинобарин, интеллектуал мулк давлат ва жамият учун катта аҳамиятга эга. Бу соҳа янги ишланмалар, ижод намуналари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, "ноу-хау"лар, турли дастурий маҳсулотлардан иборат бўлиб, нафақат фуқаролик қонунчилиги, балки кўплаб махсус қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади.

Хусусан, интеллектуал мулк муносабатларини тартибга солиш соҳасида 60 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. 24 та қонун, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва идоравий норматив-ҳуқуқий актлар шулар жумласидандир.

Интеллектуал мулк соҳасини ўрғанувчи айрим олимларнинг фикрича, интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча қонунларни жамлаш ва алоҳида кодексга киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки илмийликка асосланган, назарий жиҳатдан асослаш мумкин бўлган норма ва қоидалар жамланishi натижасида соҳага оид қонунлар илмий концепцияси ичмлашади. Ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада жадаллашиб, нормаларни шарҳлаш ва ҳужжатларда акс эттириш имкониятлари анча кенгайди.

Бир қатор ҳорижий давлатлар тажрибаси ўрғанилганда, интеллектуал мулк ҳуқуқи фуқаролик қонунчилиги асосида ҳимоя қилинган аён бўлди. Баъзи давлатларда интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддаштириш орқали бугунги кунда қадимки ҳараёни амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг янги тахриридаги лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ ҳорижий мамлакатлар қонунчилигининг соҳага оид тажрибасини қиёсий таҳлил қилди. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, лойиҳага интеллектуал мулк ҳуқуқига оид янги нормаларни киритиш таклифи берилди.

Ҳўш, янги тахрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳасида интеллектуал мулк ҳуқуқига оид амалдаги қоидаларга қандай ўзгаришлар киритилмоқда? Авваламбор, лойиҳанинг IV бўлими интеллектуал мулк ҳуқуқига оид нормалардан иборат эканини қайд этиш лозим. Ушбу бўлим, ўз навбатида, умумий қоидалар, интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш, интеллектуал мулк объектларини тартибга солиш, интеллектуал мулк объектларини қўллаш ва интеллектуал мулк объектларини қўриқ қилиш қисмига бўлинган.

мий қоидалар, интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш бўйича лицензия шартномалари тўғрисидаги бошланғич тақдир тошган.

Энди лойиҳанинг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид бўлимига киритилган янги нормалар ҳақида атрафлича сўз юритамиз.

Биринчидан, лойиҳанинг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид бўлимига "интеллектуал мулк ҳуқуқи" тушунчаси киритилди. Унда интеллектуал мулкнинг моҳияти, асосий белгилари,

ликлар бериш тизими кўзда тутилган.

Илм-фан, инновация жараёни мамлакатимиз тараққиёти ни белгилувчи муҳим омилдир. Шу сабабли интеллектуал фаолият ва унинг натижаларига нисбатан бошқа фаолият ва унинг натижаларига қараганда имтиёз ва афзалликлар бериш манфиатли асосга эга.

Учинчидан, интеллектуал мулк объектларининг турлари кенгайтирилди. Хусусан, интеграл микросхемалар топологиялари, тижорат сири, сунъий интеллект асосида фаолият

ий интеллект манфаат ва эркиродага эга эмас. Шу сабабли билан тўлдирилмоқда. Мазкур объект муайян географик ҳудуддан келиб чиқадиган ва асосан келиб чиққан жой билан боғлиқ бўлган алоҳида хусусиятлари, обрўси ёки ўзига хос омилларига эга бўлган товарларда акс этадиган белги сифатида намоён бўлади.

Географик кўрсаткичларнинг ҳуқуқий муҳофазаси халқаро шартномалар, шунингдек, миллий қонунлар билан амалга оширилди. Тегишли қонунларни қабул қилиш Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо хизматлари бўйича битимда назарда тутилган. Мазкур битим халқаро шартнома бўлиб, Жаҳон савдо ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги ҳужжатлар тоифасига киради.

Географик кўрсаткичлар билан боғлиқ масалаларни тартибга солидиган қонунлар Европа Иттифоқи мамлакатлари, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозғоғистон, Молдова, Россия ва Украина каби давлатларда қабул қилинган.

Янги тахрирдаги кодекс лойиҳаси интеллектуал мулк халқаро шартномаларга мувофиқ равишда муҳофаза қилиниши тўғрисидаги норма билан тўлдирилмоқда.

Тўртинчидан, янги тахрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳасига "интеллектуал мулк ҳуқуқининг субъектлари" тушунчаси киритилди. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектининг яратувчиси, яъни муаллиф, ижрочи, ихтирочилар, шунингдек, қонун ёки шартномага мувофиқ, шахсий номулкй ва (ёки) мулкй ҳуқуқлар тегишли бўлган бошқа шахслар интеллектуал мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланади.

Муаллифликка бўлган ҳуқуқ яратувчининг асосий ҳуқуқидир. Интеллектуал мулкнинг фуқаролик муомаласида бўлиши билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг қўпчилик иштирокчилари ўз ҳуқуқ-мажбуриятлари ҳажми бўйича интеллектуал мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида махсус эътироф этишга лойик.

Бу каби нормалар бир қатор ҳорижий давлатлар фуқаролик кодексларида ўз ифодасини тошган. Жумладан, Украина Фуқаролик кодексининг 421-моддасида бу ҳақда махсус норма мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, янги тахрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳасига киритилган интеллектуал мулк ҳуқуқига таллуқли янги ҳуқуқий институт ва нормалар амалиётга жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўқсизлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқ ва коллизиялар бартараф этилади.

Дилдора АНВАРОВА,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сийсат тадқиқот
институтини масъул ходими

Қонун моҳияти



Янги тахрирдаги Фуқаролик кодекси: интеллектуал мулк ҳуқуқига оид янгиликлар

бошқа ўхшаш категориялардан асосий фарқи ўз ифодасини тошган. Ушбу нормани шакллантиришда ҳорижий тажриба, хусусан, Украина Фуқаролик кодексининг 418-моддаси мазмуниндан фойдаланилган.

Иккинчидан, лойиҳага Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт нормалари ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг 42-моддасига асосан интеллектуал фаолият эркинлиги тўғрисидаги норма киритилди. Хусусан, интеллектуал фаолият билан шугулланиш ҳар бир фуқаро ҳуқуқ лаёқатининг ажралмас қисми экани, ҳар кимга илмий ижод эркинлиги кафолатланиши, илмий ижодий фикрларни тўғри қилиш ёки нотўғри қилиш олдидан белгилаб қўйилиши мумкин эмаслиги, интеллектуал фаолият ва унинг натижаларига афзаллик берилиши белгиланди.

Мамлакатимиз қонунларида муайян субъектлар, муайян фаолиятга нисбатан имтиёзлар ва афзалликлар бериш амалиёти мавжуд. Масалан, Меҳнат кодексига штатлар қисқарганда ишда қолдиша афзаллик бериш асослари ёхуд давлат иқтисодий сийсатида импортга нисбатан экспортга афзал-

кўрсатувчи объектлар, ихтирочилик ечимлари, географик кўрсаткичлар киритилди.

Бугунги кунда сунъий интеллект интеллектуал мулкнинг алоҳида объекти сифатида бутун дунё ҳуқуқ тизимида ўз аксини тошмоқда. Сунъий интеллект интеллектуал мулк объекти сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

— У мураккаб таркибли объект ҳисобланади. Унинг таркибини ташкил этувчи илмий ишланмалар, жумладан, турли ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, "ноу-хау"лар, дастурий маҳсулотлардан иборат.

— Сунъий интеллект ўзини ўзи мушакил равишда ривожлантиради, яъни инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда мушакил равишда мавжуд бўла олади ва шу маънода у ақлий қобилияти ўта юқори ижодий фаолият субъекти ҳисобланади. Ўз навбатида, бу ўринда сунъий интеллект томонидан яратилган ижодий фаолият натижалари кимга тегишли бўлишига доир масалалар ҳам пайдо бўлади.

— Сунъий интеллект ақлий қобилият билан биргаликда муайян ҳис-туйғулар, эмоциялар сийсатлари асосида фаолият юритиши ҳам мумкин. Ҳозирги вақтга қадар сунъий интеллект манфаат ва эркиродага эга эмас. Шу сабабли билан тўлдирилмоқда. Мазкур объект муайян географик ҳудуддан келиб чиқадиган ва асосан келиб чиққан жой билан боғлиқ бўлган алоҳида хусусиятлари, обрўси ёки ўзига хос омилларига эга бўлган товарларда акс этадиган белги сифатида намоён бўлади.

ИНТИЗОМИНИ БУЗИШ

жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

Бироқ "ҳотамтой" ҳисобчилар тибийёт ходими ҳисобланмайдиган ўн беш нафар ишчи-хизматчини 16 миллион 272,1 минг сўм устама тўловлари билан "сийлаган".

Буниси етмаганидек, ўн уч нафар ходимга бирлашма раҳбарининг буйруғисиди 7 миллион 927,3 минг сўм микдорда устама ҳақ тўланган. Шу каби Меҳнат кодексининг 181-моддаси тартибда интизомий жавобгарликка тортилган ўн икки нафар шахсга қонунга зид равишда 3 миллион 948 минг сўм мукофот пули тўлангани бошбошдоқликдан бошқа нарса эмас.


Қисқаси, иш ҳақи ҳисобчилари Мавлуда Шамсиева, Ўткир Аҳмедов ва Наби Бердиёров жиноий қилмиши бўлиб кимўзарига давом эттириб, давлат бюжети маблағидан 153 миллион 38 минг 600 сўмни "туя" қилиб юборишган.

Суд жараёнида ушбу жиноятнинг содир этилишига имкон яратган сабаблар, жамоа масъул мансабдорларининг эътиборсизлиги, бундай ҳолатнинг қайта такрорланмаслик чоралари батафсил муҳожама қилинди. Ўзларини муқаррар жазо кутаётганини тушуниб етган М.Шамсиева,

Ў.Аҳмедов ва Н.Бердиёров етказилган зарарни судга қадар тўлиқ қоплашди.

Суд судланувчи М.Шамсиева, Ў.Аҳмедов ва Н.Бердиёровнинг жиноий қилмишлари тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" банди билан нотўғри малакаланган, деб ҳисоблади. Чунки Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" бандида айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растарата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жинояти мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлиши кераклиги белгиланган. Бундан ташқари Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида "мансабдор шахс" атамасининг ҳуқуқий маъноси аниқ акс эттирилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатлардан кўринишича, судланувчилар М.Шамсиева, Ў.Аҳмедов ва Н.Бердиёров зиммасига қадрлар бўлимидан берилган ҳар ойлик янги буйруқларни "ЎзАсбо" дастурига тушириш, иқтисодидан табелларни қабул қилиб, белгилаб берилган бўлимиларнинг иш ҳақлари, мукофотлар,



вақтинча касаллик варақалари, тугруқ касаллик варақаларини "ЎзАсбо" дастурида ҳисоблаш, тўловлар тўғрисида сўровномалар тузиб, молия бўлимига жўнатиш, ишчи-ҳодимларга иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар бериш, ҳисоботлар тайёрлаш ва бошқа моддий жавобгарлик вазибаларини амалга ошириш юклатилган. Хизмат вазибаларига кўра, улар мансабдор эмас, балки моддий жавобгар шахс ҳисобланади.

Шунинг учун суд судланувчилар М.Шамсиева, Ў.Аҳмедов ва Н.Бердиёровни мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан жиноятни содир этганликда айблаб, жиноий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" банди билан малакалаб бўлмайдиган, деган тўхтамга келди. Судланувчиларнинг айблови Жиноят кодексининг 167-моддаси 1-қисмига қайта малакаланди.

Суд судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда инсонпарварлик, одиллик ва жиноятга жазонинг муқаррарлиги тамойилларига таянди. Хусусан, Жиноят кодексининг 71-мод-

дасида "Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин" лиги кўрсатилган.

Суд М.Шамсиеванинг оилавий шароити ва жазодан озод қилишга етарли асослар мавжудлиги, уч нафар вояга етмаган фарзанди бўлиб, улардан бири ногирон эканини инобатга олди. Унга нисбатан Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси 3-қисми 6-бандига асосан жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарди.

Суд Ў.Аҳмедов ва Н.Бердиёровга ойлик иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Судланувчилар ахлоқ тузатиш ишлари жазосини иш жойида ўташи белгиланди.

Кўриниб турибдики, судланувчилар қинғир йўл билан бойлик топаши деб, адашишди. Жамоа, маҳалла-куй олдига бошлари эгилиб, юзи шувут бўлгани қолди, холос.

Фаррух КАҲХОРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қонимех тумани суди раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Оқлов

Қарор топган ҳақиқат

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари суд ҳукмида Фаҳриддин Бегимовнинг 2012 йил январь ойида яққа тартибдаги тадбиркор У.Сайдуллаевдан тадбиркорлик фаолиятини қўлаб-қуватлаш ва раҳнамолик қилиши эвазига умумий қиймати уч миллион тўрт юз минг сўмлик 2 дона темир дарвоза олгани ҳам қайд этилган.

Мана шу тарзда Ф.Бегимов 2012 йил февраль ойида Навбахор тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Жасур Курбоновдан уч юз минг сўм, туман халқ таълими бўлими мудирини Суннат Уроқовдан беш юз АҚШ доллари ва уч юз минг сўм, "Сармиш" ширкат хўжалиги раиси Асадулло Фуломовдан бир минг саккиз юз АҚШ доллари, "Агробанк"нинг Кескантирак бўлими бошқарувчиси Азиз Турсуновдан бир миллион сўм, "Халқ банки"нинг Навбахор филиали бошқарувчиси Абдумурод Жумаевдан икки юз минг сўмни пора сифатида олганлигида айбланган. Пировардида унга нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилган. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Ф.Бегимовнинг 3 йил муддатга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазибаларида ишлаган ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этган. Суд ҳукмида Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актига асосан судланувчига тайинланган жазо тўртдан бир қисмига қисқартирилган. Пора тартибда берилган маблағларни эса, давлат даромадига ундириш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 14 январдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилган. Ф.Бегимовнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б" бандидан шу модданинг 210-моддаси 2-қисми "а" бандига қайта квалификация қилиниб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Амнистия актига мувофиқ жазо муддати қисқартирилиб, судланувчи жазодан озод қилинган.

Аммо бу ҳолатлар содир қилган қаноатлангичлиги бўлса, бирок ўзини айбсиз, деб ҳисобласа-да, ўша пайтда сабр қилишдан ўзга чораси йўқ эди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли ислохотлар бошланган, унда адолатни тиклашга умид пайдо бўлди. Шундан сўнг Олий судга назорат тартибда шикоят ёзди. Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 18 октябрдаги ажрими асосан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 14 январдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кассация инстанцияси судида кўриш учун юборилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексининг 210-моддасида мансабдор шахсининг ҳизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини



қўлаб бажариши эвазига мулкй манфаатдор бўлиши учун жавобгарлик белгиланган. Бироқ Ф.Бегимов суд мажлисида тергов органи томонидан ўзига нисбатан сохта арizasлар уюштирилган, дастлабки тергов ва биринчи босқич судида жисмоний таъйиқ остида иқтисодий кўрсатмаларини бергани, аслида ҳеч қимдан пора олганини таъкидлади. Гувоҳликни Ш.Тошев, Л.Иўлдошев, А.Турсунов, У.Сайдуллаев, А.Фуломов, Н.Қосимов, А.Жумаев, Й.Тўраев, У.Раҳимов, С.Уроқов ва М.Жумабоев ўзларига нисбатан ўтказилган таъйиқ туфайли содир қилган раҳбарини айблаганга қаратилган кўрсатма беришганини маълум қилишди. Қолаверса, жиноят иши ҳужжатларида Ф.Бегимовнинг пора олганини тасдиқловчи аудио ёки видео ёзувлар ҳам мавжуд эмас. Энг эътиборлиси, содир қилган пора олиш вақтида ушланмаган, пора предмети ҳисобланган пуллар ашёвий далил сифатида расмийлаштирилмаган. Бундай ҳолатда эса, суд ҳукми ва ажримларини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишида айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланганга ва қонуний қўлаб қилган суд ҳукми билан аниқланганга қадар айбсиз ҳисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, баъшарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тўғраган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлашилганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши зарурлиги белгиланган. Ана шу қонуний асосларга таянган суд жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 14 августдаги ҳукмининг бекор қилиб, уни айбсиз деб тошди ва оқлади. Шу билан бирга, оқлов ажри маънави Ф.Бегимовга мулкй, маънавий ва бошқа зиёнини қоплаш масаласида Жиноят-процессуал кодексининг 304-312-моддалари асосида судга муружоат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Қонун устуворлиги туфайли ноҳақ айбланган Ф.Бегимовнинг оқлангани адолатнинг ҳақиқат бақарор эканидан далолатдир. Эеро, ҳаётда баъзан ҳақиқат топилмаганда туолади, аслида эса у мулк ўзгармас тушунча ҳисобланади.

Муҳтарам ТУРҒУНОВА,
Тошкент шаҳар суди судьяси
Хуришд СУЛТОНОВ,
журналист

Таассуф

Беҳуда соврилган



Суднинг айбланувчига нисбатан чиқарган навбатдаги ҳукмдан сўнг унинг гарданига муқаррар жазодан ташқари иснодининг оғир юки ҳам орталди.

Гурланлик 42 яшар Сергей Цойнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) кирдикорлари юзасидан шу пайтгача уч марта эълон қилинган ҳукмдан сўнг унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш бўйича тайинланган жазоларнинг умумий миқдори 35 йил-у 6 ойга етди.

Унинг сўнги қилмиши юзасидан ўтказилган суд жараёни дард бемуолажа, кулф эса, калитсиз бўлмаслигини бир қадар исботлаганди бўлди. Демак, сурункали жиноят аталмиш оғир дардининг ҳам давоси, муолажаси бор ва судланувчи келажақда маънан, руҳан, ахлоқан тузалиб, жамиятга, оиласи ва ақинлари бағри-

га қайтиши, тинч, осуда турмуш кечириши учун имконият эчкилари ҳали очик. ...Сергей узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб қайтган, меҳнат тирчилик манбаи эканини аниқлаб етди. Шу боис тадбиркорликнинг этагини тутди, оила кўрди, фарзанд кўрди ва бу ҳол суднинг охирги ҳукмида ижобий ҳамда жазони бирмунча енгиллатувчи омил сифатида эътироф этилди. Қанийди, бу сингари ҳолатлар калтис қадамлар, кингир қилмишлардан холи тарзда намоён бўлса?! Афсуски, бундай бўлмади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Қонун кўмаги

Болалар ҳуқуқи судда кафолатли ҳимоя қилинди

◀ (Бошланиши 1-бетда) Шу билан бирга, М.Маматованинг оналик ҳуқуқи чекланиб, Фаргона шаҳар ҳокимининг 2020 йил 20 январдаги қарорига мувофиқ, болаларни тарбиялаш, камол топтириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида бир йил муддатга Меҳрибонлик уйига жойлаштирилган.

лими бўлими уни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида судга даъво аризаси киритиши шартлиги тушунтирилган. Шунда ҳам аёлни сўқир кўзи болаларнинг тарбиялаш, камол топтириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида бир йил муддатга Меҳрибонлик уйига жойлаштирилган.



ва фаоллари, мактаб маъмурияти иштирокида 2020 йил 10 август куни далолатнома тузилган. Унда болаларнинг яшаш шароити яхши эмаслиги, шунингдек, ака-сингил мактабга бормай, чиқиндиҳонада юриши ва оиланинг ижтимоий муҳити бузилгани қайд этилган.

маҳрум қилиниши мумкин. Буни қарангки, жавобгар она суддаги тушунтиришларида тузалиш йўлига ўтгани, доимий ишга жойлашиб, моддий жиҳатдан болаларини таъминлаш имкониятига эга бўлганини билдирган ҳолда даъволи рад қилишни сўради. Аммо келтирган важларини тасдиқловчи далилларни судга тақдим қила олмади.



Оила кодексининг 79-моддасига биноан, ота-она ёки улардан бири ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, узсиз сабабларга кўра, ўз боласини турғуҳона ёки бошқа даволани муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкилик-бозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри ё хотинининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан

Шу асосларга таянган суд Матлуба Асатовани фарзандлари Ҳасанбой ва Зухраҳонга нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаш жоиз. Яъни халқимиз жуда болажон ва меҳрибон. Шунинг учун бўлса керак, амалдаги қонунларимизда болаларнинг барча ҳуқуқлари ўз ақсини топган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ҳеч бир бола меҳр ва эътибордан четда қолмайди.

Гулнора ОБИДОВА, фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро суди судьяси

Одатда, ҳар бир киши ҳуқуқий ёрдам зарур бўлганда, адвокатура ҳайъати ва бюроларига мурожаат қилади. Чунки малакали адвокатлар тергов-суриштирув ва суд жараёнларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиши баробарида ҳуқуқий маслаҳатчи ҳамдир. Шу боис уларнинг эл орасидаги обрў-эътибори баланд. Аммо "шо кўрмак" бўлмайди деганларидек, адвокатларнинг орасида ҳам қонун талабидан четга чиқадиган, аниқроғи, жиноятга қўл урадиганлари ҳам учраб туради.

Одатда, ҳар бир киши ҳуқуқий ёрдам зарур бўлганда, адвокатура ҳайъати ва бюроларига мурожаат қилади. Чунки малакали адвокатлар тергов-суриштирув ва суд жараёнларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиши баробарида ҳуқуқий маслаҳатчи ҳамдир. Шу боис уларнинг эл орасидаги обрў-эътибори баланд. Аммо "шо кўрмак" бўлмайди деганларидек, адвокатларнинг орасида ҳам қонун талабидан четга чиқадиган, аниқроғи, жиноятга қўл урадиганлари ҳам учраб туради.

доллари берса, иши битишини таъкидлаб, Н. Асқаровнинг номидан апелляция шикоятни ёзишга розилик берди. Ф.Дадажонов апелляция шикоятни бўйича суд мажлиси тайинланганидан хабар топган захотиёқ М.Кошкинбаевдан яна 1500 АҚШ долларини санаб олади. Аммо апелляция шикоятни қаноатлантирилмайди. "Удда-бурон" адвокат шунда

ланувчи агар Нурсултонни озодликка чиқаришга эришолмаса, 1500 АҚШ долларини қайтаришга келишганини, бироқ коронавирус касаллигига чалиниб қолгани туфайли М.Кошкинбаевга қўлларини ўз вақтида қайтариб беролмаганини баён қилди. Бундан ташқари у тергов органи томонидан ўзига қўйилган айбловдан такроран белгиси ва пора бериш жиноятини чиқариб ташлашни, қолган ҳаракатларини эса, Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисмига қайта малакашани сўради. Суд эса, фарибгарлик оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига кириши, мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин кураш олиб борилаётгани, ҳуқуқшунос беришга ўзи ҳам бу иллатга қарши курашиши шартлигини тан олганга солиқ адвокатнинг важларини асоссиз деб топди. Суд Ф.Дадажоновни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б, в" банди ва 28, 211-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбдор деб топди, унга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридан жазо қўйилди.

Пойтахтдаги адвокатлик ҳайъатларидан бирининг адвокати лавозимда фаолият юритган Фуркат Дадажонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 60 ёшдан ошиб, набиралар қуршовида умргузаронлик қилади-ган пайтида фарибгарлик ва пора беришга далолат қилиш жиноятларини содир этади ва унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши тегишли қонун нормаларига биноан айблили масаласи ҳал қилинмаган ҳолда ҳаракатдан тугатилди. Аммо у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Аксинча, такроран худди шундай жиноят қўл уради. Бу гал у миқдорининг бошига тушган ташвишдан "унумли" фойдаланиб қолмоқчи бўлади.

Жиноят ва жазо



Гал шундаки, ўтган йилнинг 16 феврал куни Ф.Дадажонов "Буюк ипак йўли" метро бекати ёнида Малика Кошкинбаева билан учрашди. Малика она ундан ўғли Нурсултон Асқаровга нисбатан Юқоричирчиқ тумани ИИБ тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" бандига асосан қўзғатилган жиноят ишида иштирок этиб, кўмак беришни илтимос қилади. Узаро келишувга кўра, М.Кошкинбаевдан адвокатлик

гонарари сифатида 600 АҚШ долларини олган бўлса-да, уни адвокатлик ҳайъати ҳисобига кирим қилмади. Бироқ жиноят иши тергови ва жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ тумани судининг суд мажлисларида қатнашди. Суд мажлиси давом этаётган пайтда эса, миқдорига "манфаатли" таклиф билдиради: — Агар Ёшлар Иттифоқидан ўзлаштирилган кафолат хати олсак, иш осон битирилади. Менинг танишларим бор, ишни битириб бераман. Аммо улар текинга кафилик беришмайди... — Қанча беришим ке-

банди билан айбдор деб топилди, 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шундан сўнг Ф.Дадажонов яна эски "хунари"ни бошлади. Энди у Малика Кошкинбаевга ўғлига тайинланган жазони апелляция судлов ҳайъати судьяларини "рози қилиш" орқали бошқа жазо турига алмаштириб беришини айтиди. — Лекин бу пайтда аввал берган ваъдасининг устидан чиқмагани боис аёлни адвокатка нисбатан ишончи йўқолган эди. Шунга қарамастан "удда-бурон" адвокат юқори инстанцияга 1500 АҚШ

ҳам айбини тан олмай, Олий судга мурожаат қилиб, ишни ҳал қилиш мумкинлигини айтади. Шундагина Малика она алданганини англаб этади ва фарибгарга қонуний чора кўришни сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилади. Натияжада Ф.Дадажоновга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б, в" банди ва 28, 211-моддаси 2-қисми "а" бандига асосан жиноят иши қўзғатилди. Яқинда жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судида мазкур жиноий иш қўриб чиқилди. Суд мажлисида суд-

Таассуф

Бехуда соврилган УМР



◀ (Бошланиши 3-бетда) Сергей ўзини яна қора қилмишлар кўчасига урди. Ўтган йилнинг июнь ойида Сергей таниши Мансур Бозорбоевни ўзи билан бирга Самарқандга боришга кўндирди. Улар эрта тонгда энгил автомашинада Ургут туманига етиб келишди. Йўл чарчоғи Мансурни тезда элитди. Сергейнинг "Сен машинада ётиб ухлайвер, мен терак нархнини аниқлаганим бозорга кетаяпман", дея айтган гапигина кулоғида қолди.

моддасининг ҳар граммини 18 АҚШ долларига эвазига харид қилган.

Шу каби далил ва дастлавлар асосида жавобгарликка тортилган омадсиз нашоаванд юз берган қинғирликка қисман иқдорлик, айбига сидқидилдан пушаймонлик билдирди. Жиноий кирдикорларни ўрганиш чоғида эса, тергов органи билан ҳамкорлик қилди.

Тергов органи ушбу ҳолатларни назарда тутган ҳолда гумондорнинг ҳаракатини гиёвандлик воситалари олди-сотдисини амалга оширишга қаратилган уриниш сифатида баҳолади. Уни Жиноят кодексининг 25 (жиноий қилмишга суиқасд), 273-моддаси 5-қисми (гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш) бўйича айблади.

Лекин суднинг йўриғи бўлак. У ўз терговини айбловчи ёки ҳимояловчи тарафнинг далил-дастаклари асосида эмас, балки тамомила мустақил ва дахлсиз тарзда амалга оширади. Бу ҳолат ушбу жараёнда ҳам кузатилди.

Жиноий қилмишга оид тафсилотлар тергов органи томонидан тўғри аниқлангани ва талқин этилгани эътироф қилинди. Аммо уни малакалаш чоғида айрим чалқашликларга йўл қўйилгани ҳам маълум бўлди.

Шу боис масаланинг қонуний ва адолатли ечимини — Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги қарориди ифодасини топган ҳолатларга мурожаат қилинди. Унга кўра, суд ҳукми тахминий хулосалардан холи бўлмоғи ва айб бўлиши исботланган тақдирдагина чиқарилмоғи даркор.

Суд масаланинг ушбу жиҳатини синчиклаб ўрганди. Аён бўлишича, айбланувчи далилий ашё сифатида ўзидан олиб қўйилган гиёвандлик воситаларини ҳақ, тўлов эвазига сотиш ниятини кўзламаган. Айблов ҳужжатларида уни сотишга суиқасд ҳолатини аниқ-тиниқ исботловчи бирон-бир далил мавжуд эмас. Шу ҳақдаги қарор тахмин ва гумон асосида чиқарилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 3-қисмида айбдорликка оид барча шубҳа-гумонларни бартараф этиш имкони туғадиган тақдирда масала айбланувчи, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши белгиланган. Бундай вазиятда судланувчининг гарданияга Жиноят кодексининг гиёвандлик воситалари ёхуд психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф тарзда сотишга суиқасд қилишни кўзда тутувчи 25, 273-мод-

даси 5-қисми бўйича юклатилган айбни эътироф этишининг иложи йўқ.

Айни пайтда айбланувчи 2020 йилнинг январь-март ойлари мобайнида шахси номаълум "Алишер"дан бир неча марта гиёвандлик воситаларини сотиб олганини аниқ-тиниқ тасдиқлайдиган далил-исботлар ҳам мавжуд эмас.

Суд ушбу ҳолатларни эътибордан соқит этмади. Судланувчининг қилмиши етарли асосларсиз баҳо-ланганига эътибор қаратди. Шу муносабат билан унинг зиммасига Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми бўйича юклатилган айб бир қадар юмшатилди ва ушбу модданинг шу қабилдаги жиноий кирдикорларни такроран содир этиш ҳолларини назарда тутувчи 3-қисми "а" бандига қайта малакланди.

Аммо гиёвандлик, гиёвандлик аталмиш қилғилик ҳеч қимга рўшонилик келтирмайди, аксинча, кулфат-надомат келтиради. Бундай оғир қўғулликка биринчи галда маънан ва ақдан заиф бандалар рўпара келади.

Эл-юрт лаънатлаган қилмиш, хусусан, гиёвандлик ва гиёвандлик ҳолатларини қонун ҳам қаттиқ қоралайди.

Суд айбланувчига Жиноят кодексининг 273-моддаси 3-қисми "в" банди бўйича 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаб, уни махсус тартибда колонияда ўташ бўйича ҳукм чиқарди.

Маълумки, Жиноят кодексининг 34-моддаси даставаал оғир, кейинги гал ўта оғир қилмишларни содир қилган ва бундай кирдикорларнинг ҳар бири учун 5 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан мосуво қилинган шахслар шу сингари ўта жиддий жиноий қилмишни учинчи марта содир этган тақдирда уларни ўта хавфли рецидивист деб топишни назарда тутди.

Суд шу каби жиноий кирдикорга уч марта қўл урган жиноятчинини ўта хавфли рецидивист деб топди. Гиёвандликка муккасидан кетгани ва тиббий муолажага муҳтожлигини ҳам инобатга олди. Маҳкум жазони ўташ даврида мажбуран даволандиган бўлди.

Алқисса, "қаҳрамон" и-ми эс пиширган захар-заққум "ош" унинг ўзига буюрди. Жиноятчи қилмишига яраша жазо олди.

Қодирберган ЯХШИМУРDOV, жиноят ишлари бўйича Гулран тумани суди раиси Раҳимбой ЖУМАТОВ, халқ маслаҳатчиси, журналист

Куч — адолатда МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Козимжан КАМИЛОВ, Бахтиёр ИСАКОВ, Робохон МАХМУДОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Халилullo ТУРАХУЖАЕВ, Зарифжон МИРЗАКУЛОВ, Икрам МУСЛИМОВ, Замира ЭСОНОВА, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ХАМРОЕВ Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-415 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда аркин нархда. Адади: 6553 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.